



Қўшма сўзларнинг имлосида учрайдиган баъзи масалалар

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти Қорақалпоқ тили кафедраси катта ўқитувчиси f.f.f.(PhD) доктори **Опаева Райгул Аймановна**

Таянч сўзлар: ёзув, имло, орфография, принцип, босмасўз, адабий тил, композиция;

Ключевые слова: надпись, орфография, принцип, редакция, литературный язык, композиция;

Keywords; inscription, spelling, principle, editorial office, literary language, composition;

Ёзув – тилнинг ривожланиш зарурияти, ижтимоий вазифасининг кенгайиши, турмуш талабидан келиб чиққан инсоният тажрибасининг натижаси. Ҳар қандай адабий тилнинг пайдо бўлиши, шаклланиши ва ривожини ёзув билан боғлиқ. Қўшма сўзлар имлоси икки хил усул билан, биринчидан, сўз бирикмаларининг лексемалашуви; иккинчидан, сўзларни қўшиш (композиция) усули орқали ясалиши маълум.

Қорақалпоқ орфографияси адабий тилнинг ривожланишида, умумхалқ ёзма меъёрларининг шаклланишида катта хизмат қилмоқда. Шундай бўлсада ҳозирги орфографияда ҳалигача баъзи ноаниқликлар учрайди.

Вазифадор услубларга оид адабиётларда, ҳужжатларда турлича ёзув амалиёти мавжуд. Масалан, *ден саўлық – денсаўлық, көз-қарас – көзқарас, көз қарас, халық аралық – халықаралық, өз ара – өз-ара* ва ҳоказо. Шунинг учун ҳозирги орфографияда қўшма сўзларнинг қўшиб ва ажратиб ёзилиши, жуфт сўзларнинг ёзилиши каби масалаларни илмий қайта ишлашда ҳал қилувчи чоралар кўриш, орфографияни янада такомиллаштиришга тўғри келади.

Ажратиб ёзиладиган қўшма отлар имлоси қорақалпоқ тили орфографиясида муҳим масалалардан бири. Қўшма сўзларнинг ёзилиши масаласида бугунги кунгача ҳар хиллик кузатилади. Бундай ҳар хиллик қорақалпоқ тилидаги қўшма сўзларнинг турғунлашишида сустлашишни юзага келтиради. Шу сабаб қорақалпоқ тилида қўлланилаётган қўшма сўзларни бир тизимга солиш – устувор вазифалардан бири.

Асосан, компонентлари ўзаро бирикмаган ва бири иккинчиси билан синтактик алоқасини йўқотмаган қўшма сўзлар ҳамда сўз бирикмаларининг компонентлари ажратиб ёзилгани мақул.

1. Бир компоненти атоқли отдан иборат қўшма отлар: *Батыс Европа, Өмирбек лаққы, Ерназар алакөз* каби.

2. Аниқловчи сўз бирикмалари: *ат қора, аяқ кийим* ва ҳоказо.

3. Қатор келган икки сўздан биринчиси иккинчи сўздаги ҳар хил предметнинг фақат муайян турини кўрсатувчи сўзлар: *ақ қутан, сары шымшық* ва бошқалар.

Орфография термини ҳақида бошқа тилларда ёзилган илмий асарларда кўплаб ҳар хид фикрлар айтилиб келинган. Масалан, қозоқ тилшунос олимларининг фикрича, орфография – энг аввало саводли ёзишнинг, она тилини маъданий жиҳатдан ўрганишнинг асосий воситаси ҳисобланади. Унақа восита тилнинг таркибий тизимига лойиқ, фойдаланишга сезиларли даражада енгил, қўлай бўлиши шарт.

Тилда ҳар доим учрайдиган ўзгаришлар, ривожланишлар натижасида имлода ҳам ўзгаришларга ўчрайди. Агар ундай бўлмаган тақдирда, имло тиллик тизимга мос бўлмасдан, унинг таркибий тизимидаги қонунларни тўғри очиб бера олмайди. Ундай имлони фойдаланиш оғир бўлиш билан бирга, саводли ёзишга тўсиқ бўлар эди.

Қўшма сўзларнинг имлоси икки хил усул билан: 1) сўз бирикмаларининг лексикализацияланиши ва 2) сўзларнинг қўшилиши (композиция) усули орқали ясалаиши маълум. Шу билан бир қаторда, уларнинг қуйидаги каби ўзига хос асосий белгилари тўлиқ аниқланган: 1) қўшма сўз таркибида алоҳида лексик маъно билдирадиган камида икки компонент булади; 3) қўшма сўзни ҳосил қилувчи ушбу сўз таркибида лексика-грамматик хусусиятини йўқ қилиб, шу сўзнинг элементларига айланади²¹. Демак, қўшма сўзларнинг табиатини очишдаги ушбу тушунчаларни яна да чуқурлаштириб ўрганиш керак бўлади. Ҳозирги қорақалпоқ тилида қўшма сўзларнинг имлоси буйича қатор муаммоларга душ келамиз. Ушбу ҳолат асосан

²¹ Ҳожиев А. Ўзбек тилшунослигида қўшма сўзлар билан боғлиқ масалаларининг ўрганилиш ҳолати// Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1998. – № 4. – Б. 30.,



матбуот саҳифаларида жудаям сезиларли даражада кўп учраб турибди. Баъзи қўшма сўзлар баъзан қўшилиб ёзилса, баъзан ажратилиб ёзилиш ҳолатлари учрайди. Имло қоидаларига мос ёзишда барқарорликга эришиши учун қўшма сўзларнинг ясалиш усулларига асосланган маъқул. Бу учун албатта имло сўзлигига шунингдек, қўшилиб ва ажратилиб ёзиладиган қўшма сўзларнинг имлосига асосланишимиз керак. Масалан, кўчалардаги бази реклама ва баннер, шу билан бирга ҳар хил номларнинг қўшма сўзларнинг баъзан қўшилиб, баъзан ажратилиб ёзилиш ҳолатлари бор. Имлодаги бу каби ҷатишишларнинг олдини олиш тилшуносликнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ҳожиёв А. Ўзбек тилшунослигида қўшма сўзлар билан боғлиқ масалаларининг ўрганилиш ҳолати//Ўзбек тили ва адабиёти,- Тошкент, 1998 йил.